

Мадинада ўзбек тамаддихонаси очилди



17:35 / 20.02.2024 2573

Саудия Арабистонининг Мадина шаҳрида «Ал-Урз ва ал-Кабаб» номли биринчи ўзбек тамаддихонаси очилди. Бу ҳақда «Дунё» АА мухбири хабар берди.

Ресторан Саудия Арабистони аҳолиси ва дунёнинг турли бурчакларидан келган меҳмонлар учун ўзбек миллий таомлари, халқимиз анъаналари ва маданияти билан яқиндан танишиш нуқтасига айланади.

Эътиборлиси, бу ерда мижозларга таклиф этилаётган таомлар миллий услубда ишланган идишларда тақдим этиляпти. Рестораннинг барча бурчаклари махсус мониторлар билан жиҳозланган бўлиб, уларда хорижлик меҳмонларга мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти,

шаҳарлари, урф-одатлари, сайёҳлик салоҳияти ҳақидаги видеороликлар намоиш қилинмоқда.

Мазкур мажмуа Саудия Арабистонидаги ватандошларимиз томонидан ташкил этилган.

Маълумотларга кўра, ушбу ресторан ўз миқозлари сонини кенгайтирганидан кейин, Жидда ва Маккада филиал очиш режалаштирилган.

Мамлакатимизнинг Жидда шаҳридаги Бош консуллиги ходимлари тадбиркорларга ресторани тарғибот материаллари билан таъминлашга ёрдам бермоқда.